

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан эквиваленти **50 миллион АҚШ доллари миқдорид**а “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилсин.

Белгилансинки:
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ устав капиталига йўналтириладиган Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2718-сонли “Озёқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан ажратилади; Жамғарма уч ой муддатда ушбу бандда қўрсатилган маблағларни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ устав капиталига ўтказиб берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ устав капиталига киритилаётган 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидagi мақсадли маблағлар паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида бошқа тижорат банкларига ҳам кредитлар ажратиш учун йўналтирилади;

тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича тенгизларда фойз ставкаси бўйича тўловларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш шаклида берилади;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Жамғарма томонидан ушбу бандда назарда тутилган маблағларни банкнинг устав капиталига ўтказилган кундан бошлаб бошқа тижорат банклар томонидан тақдим этилган паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида уларнинг ҳисоб рақамларига пул маблағларининг ўтказилишини таъминлайди;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва бошқа тижорат банклари паррандачиликни ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни чуқур таҳлиллар асосида рентабеллиқ, самарадорлик ва пул оқимларининг кредит ҳамда улар бўйича фойзаларни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда молиялаштиради.

5. Паррандачилик лойиҳалари ҳажми ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан 2019-2020 йилларда ажратилаётган кредитлар фойизи учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация бери**шнинг кўйидаги тартиби ўрнатилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (инкубацион тухумлар, 1 кунлик жўжа, озуқа маҳсулотлари, дори-дармон ҳамда қўшимча компонентлар ва бошқалар) тижорат банки томонидан ўрнатилган **кредит ставкасининг 25 фойизи** миқдоридa, аммо кредит ставкасининг **5 фойиздан** ортиқ бўлмаган миқдорда;

насли оина товۇқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, паррандачилик кластерларини ва инкубация цехларини ташкил қилиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барпо этиш учун тижорат банки томонидан ўрнатилган **кредит ставкасининг 50 фойизи** миқдоридa, аммо кредит ставкасининг **10 фойиздан** ортиқ бўлмаган миқдорда.

Тижорат банклари паррандачилик лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар маблағларини жалб этиш бўйича зарурий чора-тадбирлари қўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу имтиёзлар учун зарур бўлган маблағларни 2019-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига белгиланган тартибда ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Паррандасаноат” уюшмасининг Уюшма ҳузурида барча парранда ҳўжаликларига хизмат кўрсатувчи **замонавий илмий-диагностика лаборатория марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

парранда касалликларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг самарали меҳанизмини ишлаб чиқиш;

паррандаларни озиклантириш учун илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқиш;

барча турдаги парранда гўшти ва тухум маҳсулотларини қайта ишловчи технологик жараёнларни ишлаб чиқиш; паррандачилик маҳсулотларининг биологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, паррандаларни боқиш ва уларга берилаётган озуқа базасининг таркиби ва сифатини мониторинг қилиш;

барча турдаги парранда гўшти ва тухумларидадан фойдаланган ҳолда умумий, болалар, парҳез ва махсус овқатланишнинг янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;

паррандачилик ҳўжаликлари технологик лойиҳалари меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тошкент вилояти ҳокимлиги илмий-диагностика биолобатория марказини жойлаштириш учун Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик массивидан умумий майдони 1 гектар бўлган ер участкасини ажратсин.

“Паррандасаноат” уюшмаси илмий-диагностика биолобатория марказини зарур бўлган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда паррандачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида илмий-амалий марказни ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда паррандачилик соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш мақсадида узвий ҳамкорлиқни йўлга қўйсин, паррандачилик соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг босқимча-босқич барча ҳудудда парранда етиштириш, уни қайта ишлаш ва яқуний тайёр маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчига етказиш жараёнини тўлиқ қамраб олган **паррандачилик кластерларини ташкил этиш (шу жумладан, 2019 йилда 13 та)** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбалари ва ер майдонларини аниқлаб, **2019 — 2021 йилларда паррандачилик кластерларини ташкил этишнинг манзилли дастури лойиҳасини** тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекзооқовқатхолдин” ХК ҳамда тегишли вазирлиги ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир қўрсатувчи хавф ва муҳим назорат нукталарини таҳлил қилиш **(“HACCP”)**, Халқаро стандартлаштириш ташкилоти **(“ISO”)** ва **“Halal”** стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда, паррандачилик корхонасини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва парранда маҳсулотларини халқаро тан олинган сертификатлаштириш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, парранда касалликларига эмлаш учун ишлаб чиқаришнинг муносиб амалиёти **(GMP — Good Manufacturing Practice)** сертификатларига эга бўлган хорижий ишлаб чиқарувчи компанияларнинг вакцина ва биопрепаратлари Ўзбекистон Республикасида тан олинади ва қўшимча мувофиқли сертификатлари талаб қилинмайди.

12. “Ўзэлтехсаноат” АҚ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда парранда маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва меҳанизмлар ишлаб чиқаришни 2022 йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

“Паррандасаноат” уюшмаси парранда маҳсулотини

етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва меҳанизмларни маҳаллийлаштириш мақсадида уларнинг рўйхатини зарур эҳтиёж билан шакллантирсин ҳамда “Ўзэлтехсаноат” АҚга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси республикада парранда маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш босқичлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва меҳанизмларни ишлаб чиқиш мақсадида “Ўзэлтехсаноат” АҚ томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларига асосан хорижий инвесторларни жалб этсин.

13. “Паррандасаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг паррандачилик ҳўжаликлари томонидан импорт қилинаётган ем бўладиган донни темир йўл орқали ташишда, истисно тариқасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сиёсатининг **35 фойиздан кўп бўлмаган миқдорда** чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўздонмаҳсулот” АҚ паррандачилик ҳўжаликлари талаб қилинадиган дон маҳсулотларининг ҳар ойда биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасидаги савдоларда паррандачилик ҳўжаликларига дон маҳсулотлари савдосида қатнашиш “Паррандасаноат” уюшмаси томонидан солиқ ҳамда ветеринария ҳисоботларида акс этган парранда бош сонидан келиб чиқиб ва белгиланган тартибда дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга мувофиқ тузиладиган рўйхат асосида паррандачилик ҳўжаликлари иштирок этиши ҳамда ушбу рўйхат доимий равишда “Паррандасаноат” уюшмасининг веб-сайтида жойлаштириб борилиши белгилансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ушбу банднинг иккинчи қатбосидада кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги парранда бош сони, дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя этилганлигини тизимли мониторинг қилади, шунингдек, дон маҳсулотлари савдосида паррандачилик ҳўжаликларининг қатнашишни ёки қатнашмаслиги юзасидан “Паррандасаноат” уюшмасига ҳар ойда маълумот тақдим этади.

15. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК республикага хориждан олиб кириладиган барча турдаги насли паррандаларнинг 1 кунлик ҳўжаларини, парранда озуқа ва озуқа қўшимчаларини узлуксиз ташиш мақсадида “Паррандасаноат” уюшмаси ва паррандачилик ҳўжаликларига амалий ёрдам кўрсатсин.

16. 2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

насли оина товۇқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш, инкубация цехларини ташкил этиш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар;

чет эл ташкилотлари ва унинг шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан паррандачилик ҳўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтирадиган парранда озуқа ва озуқа қўшимчалари, ветеринария препаратлари, диагностикаумлар ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

17. “Паррандасаноат” уюшмасига:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Давлат боғжона қўмитаси билан биргаликда паррандачилик ҳўжаликлари томонидан импорт қилинаётган озуқалар, озуқа қўшимчалари ва асбоб-ускуналари ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиб кирилиши учун амалий ёрдам кўрсатиш;

2019 йил 1 февралга қадар муддатда ўз таъсис ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштириш, бунда асосий эътиборни барча паррандачилик ҳўжаликлари “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлиши учун мақбул шарт-шароитларни яратишга қаратиш тавсия этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда республикада соя ва қунгабоқар донларини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналарни ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда: деҳқон бозорлари ва аҳоли гавҳум бўлган ҳудудларда парранда маҳсулотларини сотиш учун “Паррандасаноат” уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий савдо фирма дўконларини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиб тасдиқласин;

паррандачилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини пухта ишлаб чиқиб, хорижий ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга тақдим этсин.

20. “Паррандасаноат” уюшмасининг мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий сайёҳлар, турли мамлакатларнинг паррандачилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассислари кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб **ҳар йили сентябрь ойида паррандачиликка оид кўргазма ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги “Паррандасаноат” уюшмасининг буюртмалари бўйича соҳани ривожлантириш ва замонавий техникаларни ўзлаштириш юзасидан таклиф этаётган хорижий мутахассислар ва кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғимлари ўндирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин (ҳақиқий харажатларни қоплаш йиғимлари бундан мустасно).

22. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Паррандасаноат” уюшмасининг буюртмалари бўйича жалб қилинган хорижий мутахассисларга давлат божи ўндирилмасдан кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилиши, шунингдек, вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисоба олиниши ва уларнинг узайтирилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат боғжона қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар “Паррандасаноат” уюшмасига мазкур қарор ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

24. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродова — ҳудудларнинг паррандачиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни излаш, паррандачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири Б. Т. Юсупова — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси устидан ҳўжалиқлар кесимида мониторинг тизими ўрнатилиши ва уларнинг ҳисоботи юритилиши, паррандачилик кластерларининг фаолияти ташкил этилиши ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши учун;

“Ўзэлтехсаноат” АҚ раиси А. А. Абдуллаевга — парранда маҳсулотларининг барча турларини етиштириш, уларни барча босқичларда қайта ишлаш учун асбоб-ускуна, жиҳоз ва меҳанизмларнинг республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва паррандачилик ҳўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши ва уларнинг ижроси устидан доимий назорат олиб борилиши, шунингдек, паррандачилик корхоналарига озуқа етиштириш учун ер майдони ажратилиши ва озуқа учун экилган дон экинлари давлат буюртмасига олинмаслиги учун шахсий жавобгарлиги белгилансин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокормпаниясига “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

26. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда “Паррандасаноат” уюшмасини жойлаштириш ва бино қуриш учун ер майдонини ажратсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш. Ш. Низомиiddинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шoҳри, 2018 йил 13 ноябрь	

2019 йилдан Пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилади



Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойида республикамызда ахлоқ тузаатиш ишларига жалб этилганлар 27 355 нафар, шартли ҳукм қилинганлар 4 117 нафар, озодликни чеклаш жазоси қўлланилганлар 9 501 нафар, маъбурий меҳнатга жалб этилганлар эса 243 нафарни ташкил қилган. Умуман, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганларнинг сони 41 минг нафардан ошган. Демак, шунча одамнинг турмушию жамиятга қандай мослашиши билан шуғулланадиган яхлит тизим ишлаши лозим.

Юртимизда бундай тизим йўқ эмас. Лекин унинг фаолияти фақатгина ҳукм қилинганларнинг шахсий ҳужжатларини тўплаш, ҳисобини юритиш билан чекланиб қолган эди. Уларга ижтимоий-хукукий, психологик ёрдам кўрсатиш, ҳукм қилинганларни ишга жойлаштириш, жамиятга мослашишига қўмаклашиш каби масалалар эса эътибордан четда қилиб кетаётганди.

— Жазони ижро этиш тизимидаги ҳодимларнинг ҳар бири 150 — 160 нафар маҳкум билан иш олиб борарди, — дейди ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Даврон Азизов. — Бу уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлашга имкон бермасди. Қолаверса, жазони ижро этиш муассасаларининг инспекция ҳодимлари ўз хизмат вазифасидан ташқари бошқа ишларга ҳам жалб қилиниши натижасида маҳкумлар назоратсиз қолиб кетганди. Эндиликда мамлакатимизда

жазони ўташ тизими халқаро меъёрларга мос тарзда тамомла ўзгаради. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ҳамда меҳнат кўникмаларига ўргатишнинг шаффоф ва самарали ҳуқуқий меҳанизмлари жорий этилади.

Бунда, табиийки, Президентимизнинг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори муҳим дастуриламал бўлади.

Ҳужжатга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузурида Пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, унинг ҳудуди йўли бўлиналари ҳам ташкил этилади.

Ҳўш, пробация хизматининг ўзинима? У озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жа-

зога ҳукм қилинган, жумладан, шартли ҳукм қилинган маҳкумларни қайта тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар натижадорлигини оширадиган тизим ҳисобланади.

Пробация дунё амалиётида синовдан ўтган ва ундан бугунги кунда деярли барча давлатда кенг фойдаланилади. Агар хорижий тажрибани олсак, узоққа бормайлик, қўшни Қозогистонда шартли равишда жазога тортилганларнинг 37 фойизига нисбатан пробация амалиёти қўлланиган. Натижада умумий маҳкумларнинг 202 нафари қайта жиноятга қўл урган бўлса, пробацияга тушганларнинг атиги 15 нафари, яъни 7,4 фойизи қайта жиноят содир этган.

— Ушбу хизматга бир қатор вазифалар юклатилмоқда, — дейди ИИВ Академияси кафедра бошлиғи ўринбосари, Ички ишлар вазирлиги эксперт-таҳлил гуруҳи аъзоси Икром Фозилов. — Хусусан, пробация ҳисобида-

ги шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, уларнинг қайта жиноят содир этишларига йўл қўймаслик, ижтимоий мослашуви, бандлиги ва касбий тайёргарлигини таъминлаш шулар жумла-



сидандир. Қолаверса, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган воёга етмаганлар билан алоҳида ишлаш белгиланади.

Яна бир муҳим жиҳат. Туман (шаҳар) пробация бўлиналари худудий ички ишлар органлари раҳбарларининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича

бир нафар ҳодимга шаҳарларда — 100, туманларда — 75 нафар маҳкум ҳисобидан келиб чиқиб тақсимланади. Пробация бўлиналарида эса педагогика ва профилактика соҳаларида иш тажрибасига эга бўлган офицерлар тар-

ўринбосари лавозимларига ўзгартирилади.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузаатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фойизи ҳисобидан шакллантириладиган Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилди ҳам бўлди. Жамғарма маблағлари пробация хизмати фаолиятини самарали йўлга қўйиш, унинг моддий таъминотидаги масалаларни ҳал қилиш, ҳукм қилинганларни ижтимоий мослаштириш каби тадбирларга йўналтирилади. Ҳўжжатда жиноий жазолар ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ҳам устувор йўналиш сифатида мустақкамланган. Хусусан, 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ТИББИЁТГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛАДИ



Дарҳақиқат, келтириб ўтилганидек, кейинги икки йилда Президентнинг соҳа оид 50 та Фармон, қарор ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, улар сони 16 га етди. Аҳолига янада қўлайлиқ яратиш мақсадига ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Ту-ман ва шаҳар шифохоналарида 300 дан зиёд янги ихтисослаштирилган бўлимлар, 1 минг 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди. Умуман олганда, жорий йилда тиббиёт соҳасига Давлат бюджетидан 2017 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилди. Йиғилишда келаси йил соҳага қарийб 30 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилгани қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқ-ни сақлашни бошқариш орган-лари ходимларини моддий рағбат-лантиришни кучайтириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори со-ҳадаги яна бир ижобий янгилик

бўлди. Унга мувофиқ, тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 1 декабрдан 20 фоиз, 2019 йил 1 апрелдан яна 15 фоиз оши-рилади.

Шунча Фармон ва қарорлар чиқарилди, соҳага шунча имкони-ятлар яратилди, долзарб масала-лар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида кутил-ган натижалар кўринмаётгани, ай-никса, туманлар, чекка қишлоқ-лардаги аҳоли тиббий хизматда-ги жиддий ва тўб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезмаётгани барчани ўйлантирмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Президентнинг вир-туал қабулхонасига тиббиёт соҳа-сига доир 45 мингдан зиёд муро-жаатлар келиб тушгани ҳам бу со-ҳада ҳали муаммолар етарлича эканидан далолат беради.

Хусусан, видеоселектор йиғи-лишида бирламчи тиббий-санита-рия ёрдами тизими, туман мар-казий шифохоналарининг моддий-техника базаси ва малакали кадр-лар билан таъминланиш даража-си талабга жавоб бермаслиги оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлат-ларга боришга мажбур бўлаётга-ни очик-ойдин айтилди. Шу боис

йиғилишда тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлар-даги ҳолатни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиш, бунда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликли-никалардан марказий тиббиёт муассасаларигача қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш ти-зимини тубдан такомиллаштириш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари учун Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул этиб белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, пар-ламент қуйи палатасида масала-га комплекс ёндашиш, муаммо-ларни тизимли равишда ўрганиб бориб, ҳал этиш мақсадига Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси ташкил этилди. Ўтган вақт мобайнида кўмита томонидан бир қатор ижо-бий ишлар қилинди. Бироқ бугун-ги шиддатли ислохотлар даврида муаммонинг кўлимдан келиб чиқиб фаолият юритиш талаб этилади.

Сабоби ҳудудларни ривожлан-тиришнинг энг муҳим вазифала-рини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кону-ний манфаатларини таъминлаш юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар якунлари аҳолига тиб-бий хизмат кўрсатиш самарадор-лигининг пастлиги, соғлиқни сақ-лаш муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, улар-ни зарур дори воситалари билан доимий равишда таъминлаш ло-зимлигини, ушбу муассасаларнинг бугунги кун талабларига мувофиқ фаолият юритиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдала-нилмадан келинаётганини кўрсатмоқда. Албатта, бундай ҳолат соғлиқни сақлаш муасса-ларига фаолиятини янада такомил-лаштиришни, мавжуд имконий-лардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишни, аҳолига тиббий хизмат

кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий қилишни тақозо этади.

— Бугун муҳокама этилган ма-саланинг долзарблиги шундаки, у инсон саломатлиги билан боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутати Гулшана Худоевора. — Шу нуктаи назар-дан келиб чиқиб, парламент қуйи палатасидаги Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси фаолиятини янада ку-чайтириш учун унинг таркибига ўзгаришлар киритиш керак, деб ўйлайман. Мақсад давлати-миз раҳбари томонидан 9 ноябрь кунин ўтказилган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалар, хусусан, жойларда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар изчиллиги ва натижадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда ҳудудларда аҳолининг кўрсатила-ётган тиббий хизматдан розили-гини таъминлаш, бунинг учун кадрлар етишмовчилиги, муасса-ларнинг моддий-техника база-си ҳамда хусусий тиббиётни ри-вожлантириш масалалари кўмита аъзолари, шу билан бирга, бошқа кўмита вакиллари билан диққат марказида бўлади. Президенти-миз айтганидек, токи халқимиз тиббий хизматдан, соғлиқни сақ-лаш тизимидан рози бўлмас экан, бу борада бир дақиқа ҳам тиним билмаслигимиз лозим.

Айни жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, мажлисда депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси фаолияти-ни янада кучайтириш лозимлиги-ни қайд этилди.

Кўмита аъзолари таркиби та-ҳрибли, фаол, қатъиятли депутат-лар билан кучайтирилди.

— Давлатимиз раҳбари раис-лигида тиббиёт соҳасидаги исло-хотлар таҳлилига бағишлаб ўтқа-зилган йиғилишдаги мулоҳазалар парламентнинг, айнан Қонунчилик

палатасининг соҳага эътиборини кучайтириш, кўмита фаолиятини янада жонлантириш, унинг иш самарадорлигига янгича руҳ бағишлаш лозимлигини тақозо эт-моқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Муҳаррам Дадахўжаева. — Шу маънода, мажлисда депутатлар томонидан кўмита фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақса-дида унинг таркибини ўзгартириш тақлиби билдирилгани ҳамда у бир овоздан қўллаб-қувватланга-ни айни муқолада бўлди.

Шунингдек, мажлисда соғлиқ-ни сақлаш масалалари билан шу-ғулланувчи депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари ҳамда тегишли дав-лат органлари ва муассасалари-нинг масъул ходимларидан иборат махсус комиссия тузиш тақлиф этилди ва депутатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шунга қўра, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатаси ҳузурида Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самара-ли татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўй-ча комиссия тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигидаги комис-сия таркибига депутатлар, ман-фаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари киритилди.

Йиғилишда комиссиянинг устувор вазифалари белгилаб олинди.

Мажлисда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

БОҚЕАЛАР Янгиликлар Тафсилотлар

Ўзбекистон Франция ташаббусини қўллаб-қувватлади

Францияда интернет-бошқарув бўйича форум ташкил этилди. Унда ушбу мамлакат раҳбари Эммануэль Макрон томонидан “Кибермайдонда ишонч ва хавфсизлик бўйича Париж қачириги” меморандуми тақлиф қилинди. Бу ҳақда “La Figaro” наشري хабар берди.



Мазкур ҳужжат 51 мамлакат, бир неча юзлаб тижорат ва нотижорат ташкилотлари томо-нидан қўллаб-қувватланди. Бу борада жами 370 дан ортиқ им-золар йиғилди. Эътиборлиси, меморандумга қўшилган мамла-катлар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Макроннинг таъкидлашича, интернетни тартибга солишда икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи Калифорния ёндашуви бўлиб, унда ҳеч нарса назорат қилинмайди. Ана биринчи эса хитойча мезон ҳисобланади. Бунда давлат тўлиқ назоратни ўз қўлига олади.

Француз етакчиси ҳар икки йўлни ҳам қўллаб-қувват-ламаслигини билдирди. Унинг сўзларига қўра, мамла-катлар ўз фуқароларини нотўғри маълумотлардан фой-даланишдан, шунингдек, зарарли контентлардан асра-ши керак.

Юртимизнинг космик дастури

Ўзбекистон ўзининг космик дастурини ишлаб чиқди ва мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни фаол олиб бормоқда. “Интерфакс” ахборот агентлиги хабарига қўра, буни юртимизнинг Россия Федерациясидagi Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботиржон Асадов маълум қилган.



Дипломат Ўзбекистон ушбу соҳада Россия ва Европа дав-латлари билан алоқаларни йўлга қўётганини, биргаликда тадқиқот марказларини очиб режалашти-рилаётганини таъкидлаган.

Мисол учун, “Роскосмос” мам-лакатимиз учун илк сунъий йўлдош курилмасини яратиш бо-расида ҳамкорликни йўлга қўймоқчи. Лойиҳа юзасидан Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлигига қатор тақлифлар юборилган.

Тошкент — Москва

Йўналишида янги қатнов

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ матбуот хиз-мати хабарига қараганда, мазкур йўналишдаги қатнов шу йилнинг 14 декабридан бошланади.

Ушбу поезд “Коракалпо-ғистон” станцияси орқали ҳаракатланади. Белгиланган жадвалга қўра, янги йўналиш бўйича қатновлар ҳафтада бир марта — ҳар жума кўни амалга оширилади.

Маълумот учун, айни пайт-да Ўзбекистондан Москвага иккита поезд қатнови йўлга қўйилган — Тошкент ва Андижондан. Поездлар пойтах-тимиздан Москва томон пайшанба ва шанба кўнлари йўлга чиқиб, манзилга 2 кун 18 соатда етиб борса, Андижондан сешанба ва яшанба кўни ҳаракатни бош-лайдиган темир йўл транспорти воситалари бунинг учун 3 куну 1 соат вақт сарфлайди.

Голланд компанияси агрокластер ташкил этмоқчи

Нидерландиянинг дунёга машҳур “Lely” ком-панияси узоқ йиллар давомида қатор мамлакат-ларда ўзининг илғор тажрибаси ва технология-ларини муваффақиятли жорий этиб келмоқда. Шу йўл орқали янги иш ўринлари яратяпти.



Яқинда ушбу компания делега-цияси юртимизга таширф буюриб, тегишли вазирлик ҳамда ташкилот-ларда учрашувлар ўтказди. Меҳмон-лар республикамизда Голландия қишлоқ ҳўжалиги технологиялари инновацион марказини ташкил этиш борасидаги режаларини маълум қилди. Бу ҳақда “Дунё” ахборот манбаси хабар берди.

Мазкур ўзига ҳос агрокластерни ташкил этиш лойиҳа-сининг тахминий қиймати 10 млн. еврога тенг. У ерга иш-лов бериш, қорвачиликни ривожлантириш, тайёр сўт мах-сулотларини ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини сақлаш жараёналари-га илғор инновацияларни жорий этишни назарда тутди.

Интернет манбалари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.

АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИНИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

Автомашина иш-лаб чиқариш жараё-ни мураккаб босқичларни ўз ичига олади ва бир дон а автомобилни тайёрлаш учун 5 мингдан 10 минг до-нагача бўлган деталь ҳамда эҳтиёт қисмлардан фойда-ланилади. Уларни етказиб бериш мақсадига 100 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи кор-хоналар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Шундай бўли-шига қарамай, деталларнинг 30 — 40 фоизи импорт ҳисо-бига олиб келинади. Бу эса корхонада маҳаллийлашти-риш кўламини кенгайтириш, шу орқали маҳсулот таннар-хини арзонлаштиришга эри-шишни тақозо қилмоқда.

Ушбу масала юзасидан корхонада маҳаллий тад-биркорлар билан доимий учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг истиқболли лойи-ҳалари ўрганиляпти. Ҳар бир тадбир мобайнида 100 дан ортиқ ишлаб чиқарувчилар-

нинг 70 га қўриб лойиҳалари ўрганишга қабул қилинаёт-ганлиги бу борадаги маса-ларнинг ижобий ечими сари интилишлар давом этаётганидан далолатдир.

— Мақсадимиз даврий автомашиналар эмас, бал-ки юқори технологияли сифат-га эга бўлган автомобиллар тайёрлашдан иборат, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича бошқарув-чи директори Акромжон Тўхтабоев. — Зеро, махсу-лотимизга бўлган талаб кўн сайин ортиб бораётган экан, биз ҳам янгиликларни ус-тида изланишимиз, хари-дорлар хоҳишини инобатга олган ҳолда, янги моделлар-ни тақдим этишимиз керак. Ана шу мақсадга бошлан-ган янги лойиҳалар миқоз-ларга маъқул бўлишдан умидвормиз.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хамкорлик

Ўзбекистон — Германия: Манфаатли алоқалар ўрнатилди

Олий Мажлис Сенатида Германия Федератив Республикаси парламент статс-котиби — адлия вазирини ўринбосари Кристиан Ланге бошчилигидаги Адлия ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазирлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда парламент юқори палатаси ва Германия Федератив Республикаси Бундестаги ўртасидаги парла-ментлараро алоқаларни янада кенгайтириш, де-мократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жами-ятини ривожлантиришда қонун чиқарувчи ҳокимият ўрнини мустаҳкамлаш юза-сидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистонда давлат ҳоким-ияти ва бошқаруви орган-лари фаолияти устидан парламент ҳамда жамоатчи-лик назоратини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан таништирил-ди. Бунинг учун зарур қонунчилик базаси яратил-гани таъкидланди. Қолавер-са, мамлакатда маъмурий судларни ташкил этиш, ягона, самарали фаолият кўрсатувчи одил судлов тизимини шакллантириш, коррупцияга қарши кура-шишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ри-вожлантириш бўйича қўри-лаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил хабардор этилди.

Таъкидланганидек, фуқа-ролик жамияти институтла-рини ривожлантириш, олиб борилаётган ислохотлар-нинг очик-ошқорлилиги ва самарадорлигини таъмин-лашда уларнинг ролини кучайтириш бўйича Ўзбе-кистонда амалга оширилаёт-ган ишлар республиканинг демократик ривожланиш та-моийилларига содиқлиги-ни намойиш қилмоқда.

Делегация аъзолари бу борадаги барча сайй-ҳара-катларни ижобий баҳола-ди. Замонавий жамиятнинг барпо этишда маъмурий юрисдикцияга нуктаи назари-дан германиялик мутахас-сислар бу тажрибани ўзбе-кистонлик ҳамкасблари билан ўртоқлашишга тайёр эканлиги айтиб ўтилди.

М. АЗИЗОВА.

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги

бизнес соҳасига қизиқувчи ёшлар учун катта имкониятдир

Йиғит-қизлар тадбиркорлик учун инфратузилмани шакллантириш, стартап-лойиҳалар-ни ҳаётга татбиқ қилиш, бизнес самарадорлигига эришиш, иннова-циялардан фойдаланиш, инвести-цияларни жалб этиш йўналишлари бўйича маҳаллий ҳамда Сингапур, АКШ, Хитой, Беларусь, Грузия, Арманистон, Исроил каби давлат-лардан келган халқаро экспертлар тақдиротларида қатнашадилар.

Хафталик мобайнида элликдан ортиқ турли йўналишдаги тадбир-лар, тренинглар, хорижий мутахас-сислар ҳамда ҳукумат вакиллари ўртасида мулоқотлар ўтказилиши, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларига сафарлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республи-каси Президентининг маслаҳатчи-си А. Абдувохитов сўзга чиқди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бугун мамлакатимизда бюджет тизими қайта қўриб чиқилмоқда. Бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ҳамда ошқора бўлишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаяпти. Жойларда бу бўйича турли учрашувлар, мулоқотлар ташкил этиляпти. Одамларни ўйлантираётган саволларга қуйи палата депутатлари томонидан батафсил жавоблар қайтарилмоқда, шубҳа уйғотаётган масалаларга аниқлик киритилаяпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида кенг муҳокама қилинаётган Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил 9 ойлик якунлари бўйича иж-роси ҳамда келгуси йилга мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси халқимиз манфаат-ларидан келиб чиқиб, қўриб чиқилаётгани эътиборга молик.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий исло-хотлар ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўми-таларининг кенгайтирилган йиғилишида иқтисодийётни либераллаштириш, валюта ҳамда нарх сўбастининг эркинлашуви, солиқларни такомиллаштириш, айникса, маҳаллий ҳокимият органла-рига солиқлардан тушадиган даромадларни ўз ҳисобида қолдириш бўйича олиб бо-риляётган бир қатор тадбир-лар аҳоли турмуш тарзида қай даражада акс этаётгани-га оид саволлар ўртага ташланди.

Келтирилган рақамларга қўра, бу каби таркибий ўзга-ришларда аҳолининг ортиқча ташвишга қўймаслик мақса-дида энг кам иш ҳақи миқ-дори инфляция кўрсаткич-ларидан баянд туришига эришилди. Халқ ҳўжалиги корхоналарининг салкам ярми, учинчи чоракда эса 62 фоиз корхоналар ҳодим-

Давлат бюджетини:

Даромадлар ва харажатлар Улар ҳақидаги маълумотлар халқимиз учун очик ва ошқора бўлади.

ларининг иш ҳақини ошир-ган. Тармоқлар кесимида қўрилса, йирик ишлаб чиқ-ариш корхоналарида бу рақам 74 фоиздан 100 фоизгача ташкил этиди.

Мутахассислар томонидан айтиб ўтилган ҳар бир рақам кўмиталар аъзолари томонидан атрафлича муҳо-кама қилинди.

Депутатларни, асосан, ав-валги муҳокамада айнан сайловчилар томонидан бил-дирилган фикрлар ва тақ-лифлар 2019 йилги Давлат бюджетини ишлаб чиқишда қай даражада инобатга оли-наётгани қизиқтирди. Жумла-дан, депутатлар томонидан сайловчилар нуктаи назари-ни инобатга олган ҳолда, лойиҳада саноятни ривож-лантириш, инвестициялар киритишга йўналтирилган маблағлар кўламини кенгай-тириш, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳала-рини ишлаб чиқишда ошқора ва шаффоф механизмлари қўллаш тавсия этилган эди.

Шуни инобатга олган ҳолда келгуси йил Бюджет-нома лойиҳасида бюджет да-ромадларини изчил ошириш, солиқ тизимида жорий эти-ладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнес-га катта энгилликлар ярати-лиши назарда тутилаётгани таъкидланди. Чунончи, тушумдан олинадиган маж-бурий ажратмалар тўлиқ бекор қилиниши ҳисобидан корхоналарда яна 5,2 трил-лион сўм даромад қолиши, аҳоли даромадлари эса 6,5 фоиз ошиши кутилмоқда.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини туб-дан ривожлантириш, масъул идоралар фаолиятини тарки-бий ўзгаришга бўйича олиб боришдан ислохотлар келаёт-ган йилда ҳам давом этти-рилади.

Парламент қуйи палатаси-нинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси йиғили-шида ижтимоий харажатлар-ни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажра-тилган маблағларнинг мақ-

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Бобби ХЕНЕБРИ, «Henebry Blockchain & Cryptocurrency Consulting» корхонаси раҳбари (АҚШ):

— Тадбир доирасида Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университе-тида талабаларга блокчейн бўйича мазруза ўқидим. Ёшларнинг фаоллиги, айникса, ишбилармонлиқнинг янги, замонавий қўринишларига қизиқиши юқори-лиги эътиборимни тортди. Хафталик доирасидаги анжуманлар юксак даража-да ташкил этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай нуфузли форумлар мамлакатнинг ижобий имиджини шакллантиришда ҳам муҳимдир.

Евгений ФУЗАЙЛОВ, «A.R.S Security» компанияси раҳбари (Исроил):

— Юртингизда хорижлик инвесторларга яратилаётган қўлай шароитлар, ян-гиланаётган солиқ ва божхона сўбаста, конвертациянинг эркинлаштирилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий жозибадорлигини оширмоқда. Ушбу тадбирда иш-тирок этиш жараёнида бу борадаги ишлар билан яқиндан танишиш, Ўзбекис-тон бозорини ўрганишни ният қилганмиз. Компаниямиз ахборот технологияла-рига оид химоя ва хавфсизликка йўналтирилган ишланмалар билан шуғулла-нади. Юртингизда ҳам мазкур йўналишга оид янги истиқболлар мавжуд. Шу боис мамлакатингизга сармоя киритишни режалаштирганмиз.

Цзяюань ВАН, эксперт (Хитой):

— Фаолиятим тиббиёт билан боғ-лиқ, Шу боис Ўзбекистон Миллий университетидида ўтказилган учрашу-ва доиралар ишлаб чиқариш ва уни сотиш масалалари бўйича ўз таж-рибам ҳамда мулоҳазаларим билан ўртоқлашдим. Хафталик мобайнида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилмоқ-чиман. Боиси бу қадимий юртга илк бор келишим. Дунёга машҳур оби-даларингизни, гўзал ва бетакдор шаҳарларингизни томоша қилсам, халқингизнинг миллий қадрият ҳамда анъаналари билан яқиндан танишсам, дейман.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

садли сарфланишига эъти-бор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳисо-бот даврида ижтимоий хара-жатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 53,4 фоизи миқдориди маб-лағ сарфланган.

Хўш, келгуси йилда бу рақамлар ўзгарадими?

Қайд этиб ўтилганидек, 2019 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатла-ри устуворлиги сақлаб қолинган ҳолда, Давлат бюджетини харажатларининг 54 фоизи ушбу мақсадлар учун йўналтирилади.

2019 йил 1 январдан меҳ-натга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкни камайтирилади. Бу нимани аңглатади? Бу барча фуқаролар учун жи-смоний шахслардан олинади-ган даромад солигининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдо-рида белгиланиши, фуқаро-ларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадал-лари, давлат мақсадли жам-ғармаларига юридик шахс-ларнинг тушумидан ундири-ладиган мажбурий ажрат-малар бекор қилинади, дегандир.

Шунингдек, Халқаро



«Азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қула-анда тутиниб, кўз-қошдек яқин қўшничиликда яшаб келаётган халқларимизнинг мустақкам дўстлик ришталари ҳақида сўз борар экан, энг аввало, икки муаззам сиймо — Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари мавлоно Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг биродарлик муносабатлари ёлға тушади».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Халқларни бирлаштирган буюк сиймолар

«Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш»

Туркий тилли ва форсий забон шоирлар орасида мутафаккир шоир Алишер Навоий номи ўзгача жаранглайди. Улуғ шоир ижодининг теранликлариға сингиб кетган юксак маърифатпарварлик, эзгулик ғоялари асрлар давомида банибашариятга хизмат қилиб келгани сингари бугунги кунда ҳам қалбларда акс садо бериб турибди.

*Олам аҳли, билангизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш.*

Дунёда турфа услубларда, турли пардаларда, турли оҳангларда куйлаб ўтган шоирлар кўп, аммо дўстлик, аҳиллик, иноқлик, миллатлар ўртасидаги муштарак туйғуларни бу қадар юксак пардаларда куйлаганлар оз. Айниқса, икки қардош ва жондош ўзбегу тожик халқлари ўртасидаги ҳамфирқлик, яқинлик ҳақида сўз кетса, дарҳол Нуриддин Абдурахмон Жомий ва Низомиддин Алишер Навоий муносабатлари, меҳр-садоқати, саховатли шогирдининг устоз холидан ҳаминша хабардорлиги, чексиз ҳомилийклари тасаввурингизда жонланади.

— Алишер Навоийнинг “Хамса”си яратилиши замонаси учун, бутун жаҳон адабиёти учун катта ижобий ҳодиса эканини дастававл Абдурахмон Жомий эътироф этган эди, — дейди Халқаро журналистлар конфедерациясининг аъзоси, Тожикистон матбуоти алоҳисси Абдужалил Фафуров Душанбе шаҳрида Низомиддин Алишер Навоий номидаги боғнинг очирилиши катта маданий ҳодиса эканлигини эътироф этиб. — Абдурахмон Жомий фикрича, “Хамса” муаллифининг туркийда ёзиши форсигўйлар учун бахтдир; агар Алишер Навоий ҳам ўз “Хамса”сини форсча ёзса эди, бошқаларга сўз айтиш учун мажол қолмас эди.

Ҳақиқатан ҳам, инсоний ва ижодий муносабатлардаги бу янглиғ елкадошлик, дилдошлиғу сирдошлик бугунги қалам аҳли учун ибрат мактабидир.

Душанбе шаҳрида боғлар кўп. Уларнинг аксарияти улуг ижодкорларнинг номлари билан аталади. Абу Абдулла Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний маданият ва истироҳат боғлари қаторида Восе номидаги ҳамда “Ёшлар”, “Ёшлар кўли”, “Ғалаба”, “Эрам”, “Пойтахт” боғлари мавжуд. Давлатимиз раҳбари жорий йил сентябрь ойида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун Тожикистон Республикаси ташрифи чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Низомиддин Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғини очди. Низомиддин Алишер Навоий номи берилган мазкур боғда Нуриддин Абдурахмон Жомий ва Низомиддин Алишер Навоий ҳайкаллари ўрнатилган. Тожикистонлик ҳайкалтарос Фафур Жўраев лойиҳаси асосида маърифат

рамзи сифатида еттита зина устига ўрнатилган мазкур ёдгорликда Мавлоно Абдурахмон Жомий билан муҳокама қилаётгани акс эттирилган. Ёдгорлик асосидаги мрамар тошлар ҳар иккала миллатга хос нақшлар билан безатилган. Сарв, магнолия, заранг, арча ва турли нина баргли 600 дан ортиқ манзарали дарахтлар, кўкаламзорлаштирилган 14 минг метр майдон, соя-салқин жойларга ўрнатилган 80 дан зиёд ўриндиқлар, 50 ўринга эга замонавий кафедра ташқари аттракционлар, болалар ўйингоҳлари ўзбегу тожик халқлари азалий дўстлигининг рамзи сифатида жорий йилни “Туризмни ривожлантириш ва хунармандчилик йили” деб эълон қилган қўшни давлатда дунё сайёҳларини ҳам ўзига жалб этмоқда.

ЗуллISONайнлик Алишер Навоийдан бошланган

Ўзбек-тожик халқларининг дўстлиги рамзи сифатида Самарқандда Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаб турарди. Энди Душанбе шаҳрида Низомиддин Алишер Навоий номидаги боғ бунёд этилгани, бу ерда ҳам Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани, бағрикенглик сиёсати билан Тожикистон халқининг ҳам юксак ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган Президент Шавкат Мирзиёев иштирокда мазкур боғнинг очирилиши катта рамзий маънога эгадир.

— Тарихан олиб қараганда, ўзаро дўстлик, ижодий яқинлик зуллISONайнлик, яъни икки тилда асарлар ёзиш орқали ривож топиб келган, — дейди Тожикистон Республикаси Ёзувчилар иттифоқи раиси, Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат шўҳрати” ордени со-

фаросати, ақл-заковати, шеър тилига эътиқоди, чинакам сўз санъаткори эканлиги, ҳамзабонликдан ҳамдиллиқни юксак қўйиши ибрат сифатида намоён бўлади. Икки қўшни давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати туфайли тожик сўз санъаткорларининг асарларини ўзбек тилига, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини тожик тилига таржима қилиб нашр этиш ишлари яна азалий ўзанларига тушмоқда. Алишер Навоий номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғимиз ижодкорларимиз бошини қовуштирадиган маскан сифатида ҳам хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Шундай дея, Низом Қосим ўзбек тилида чоп этилган “Дўстдиримиз” деган шеърдан ушбу сатрларни ўқиб берди:

*Замин бирдир, само бирдир,
Мақон бирдир, саро бирдир.
Ймон бирдир, Ҳудо бирдир,
Сухан бир ва низо бирдир.
Икки донга — бир маъиз, пўстдиримиз,
Ҳам қариндош, ақрабоно пўстдиримиз.*

Улуғ шоир издошлари

Тожикистонда яшаб ижод қилаётган ўзбек ижодкорларининг аксарияти икки тилда бемалол ижод қила олишгани туфайли уларни Алишер Навоийнинг зуллISONайнликдаги издошлари дейишади.

— 2,23 гектар майдонда Низомиддин Алишер Навоий номидаги боғнинг барпо этилиши бизни нияҳатда қувонтирди, — дейди Абулқосим Лоҳутий муқофоти совриндори, ўзбек шоири Эркин Шукур. — Бу ерда икки тилда мушоиралар бўлиши, навоийхонлик кечалари ўтказилиши бизнинг орзуимиз эди. У амалга ошганидан қувончимиз чексиз.

Бошқа бир ўзбек шоири Неъматилло Иброҳим аса мазкур боғ ташкил этилганидан илҳомланиб, “Умрбоқий дўстлик мадҳи” деб номланган самимий ғазал ҳам битибди:

*Бизга хуросоний ҳаво Жомий-Навоийдан келур,
Субҳи саҳарда хуш ҳаво Жомий-Навоийдан келур.*

*Олдим сурур девонидан, ҳадсиз ғазаллар қонидан,
Кўнглимга бу руҳий сафо Жомий-Навоийдан келур.*

*“Хамса” маннм жону дилмн, “Ҳафт авранг”дир таҳсилмн,
Рухимга беш асрий садо Жомий-Навоийдан келур.*

*Лайли қани? Ширин қани? Айлабдиллар ошқк манн,
Бу дардима ёлғиз даво Жомий-Навоийдан келур.*

*Табъимни тоблар ҳикмати, кўҳна кўмакдош санъати,
Дастимга чун чангу сато Жомий-Навоийдан келур.*

*Ислому бу — Жомий дастури, иймон — Навоий дастури,
Халқу Ватанга чўнг вафо Жомий-Навоийдан келур.*

*Ориф — улар, устод — улар, менга муборак ёд улар,
Келса, бу назимга баҳо Жомий-Навоийдан келур.*

ШОЙМ БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Тошкент — Душанбе — Тошкент

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИКАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ КЎЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР

0,45 x 1250 — **10 170 000** сўм/тонна

0,70 x 1250 — **10 000 000** сўм/тонна

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ

RAL 3003, 3009, 8017

0,45 x 1250 — **12 865 000** сўм/тонна

RAL 3005, 6005, 8017

0,50 x 1250 — **12 450 000** сўм/тонна

ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР

1,8 x 1000 x 2000 — **8 630 000** сўм/тонна

1,8 x 1250 x 2500 — **8 630 000** сўм/тонна

2,8 x 1250 x 2500 — **8 135 000** сўм/тонна

Хизматлар лицензияланган.

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.

Кенг ассортиментда металл прокат.

Тўлов шакли — нақд пулсиз.

E-mail: stal-invest@inbox.uz

Тел. **95-475-00-65**



Хизматлар лицензияланган.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



ISSN 0013-6784

7123303478001

Ушбу жойда

Сизнинг рекламнгиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги

Реклама

бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Тахририятга келган қўлаб-қўлаблар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.

Навбатчи — Д. Содиков.

Мусаҳҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.18 Тошпирилди — 03.40 1 2 3 4 5 6